



**Tadqiqot uz**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

# 2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**No17**  
30 июнь

**conferences.uz**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
15-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
17-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-15**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
17-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-15**

**ТОШКЕНТ-2020**



УУК 001 (062)

КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 17-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 23 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда туганган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжонова (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



## **22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

## **23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **25.География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000



МУСИҚА ВА ҲАЁТ

<b>1. Shavkatova Nilufar Erkinovna</b> SHAXS KAMOLOTINI RIVOJLANTIRISHDA MUSIQA FANI TARBIYASINING ROLI VA UNDA PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARNI QO‘LLASHNING AHAMIYATI .....	7
<b>2. Тўрақулова Нигора Амировна</b> ЎРТА ОСИЁДА МУСИҚАГА ОИД АСАРЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ: НИМА УЧУН ТАБОБАТДА ДАВО ЧОРАСИ СИФАТИДА МУСИҚАДАН ФОЙДАЛАНИШГАН? .....	9
<b>3. Жовлиев Шерхон Фарходович</b> ТУЙҒУ ЧОЛҒУСИ ДЎМБИРА – ТАРИХ ВА БУГУН .....	11
<b>4. Rahimov Kazimjon Raupovich</b> YOSHLARNING MA’NAVIY KAMOLOTIDA MUSIQIY TARBIYANING ROLI .....	14
<b>5. Sheraliyeva Donohon, Shermatova Osiyo</b> MILLIY QO‘SHIQCHILIK SAN’ATINING RIVOJLANISHI VA UNUNG KOMIL INSON SHAHSINI SHAKILLANTIRISHDAGI AHAMIYATI .....	16
<b>6. Сойилова Гуллола Бурхоновна</b> МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎСМИРЛАРДАГИ СУРУНКАЛИ СТРЕСС ВА ЧАРЧОҚДАН ХАЛОС БЎЛИШДА МУСИҚАНИНГ АФЗАЛЛИГИ .....	19
<b>7. Shirinbekova Gulgunoy Shirinbekovna</b> FARZAND TARBIYASI VA RIVOJIDA MUSIQA SAN’ATINING TARBIYAVIY AHAMIYATI .....	21



## МУСИҚА ВА ҲАЁТ

### SHAXS KAMOLOTINI RIVOJLANTIRISHDA MUSIQA FANI TARBIYASINING ROLI VA UNDA PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARNI QO‘LLASHNING AHAMIYATI

*Buxoro shahar 9-umumiy o‘rta  
ta’lim maktabi musiqa fani o‘qituvchisi:  
Shavkatova Nilufar Erkinovna  
+998941215225*

**KALIT SO‘Z:** Musiqa, Maktab, pedagogik texnologiya, Musiqa estetikasi,

**ANOTATSIYA:** Musiqa insonni yuksak did bilan qurollantiradi va unga ma’naviy ozuqa beradi. Maktabda musiqa o‘qitishning asosiy maqsadi o‘quvchilarda musiqa madaniyatini shakllantirish ularni zamon talabiga javob bera oladigan barkamol inson qilib voyaga yetkazish.

Yosh avlodni kamolot sari yetaklashda tarbiyani ko‘plab omillari qatori musiqa tarbiyasi alohida o‘rin tutadi. Musiqa tarbiyasi nafosat tarbiyasining asosiy va murakkab qirralaridan biri bo‘lib, insonni atrofdagi go‘zal narsalarni to‘g‘ri idrok etishga va qadrlashga o‘rgatadi. Musiqa inson ruhiyatiga kuchli ta’sir ko‘rsatish imkoniyatiga ega bo‘lib, uni nafosat olamiga olib kirish va axloqiy g‘oyaviy tarbiyalashni muhim vositasidir. Musiqa insonni yuksak did bilan qurollantiradi va unga ma’naviy ozuqa beradi. Maktabda musiqa o‘qitishning asosiy maqsadi o‘quvchilarda musiqa madaniyatini shakllantirish ulami zamon talabiga javob bera oladigan barkamol inson qilib voyaga yetkazish. Maktabda musiqa darslarini o‘qitishning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- o‘quvchilarni musiqa san’atiga bo‘lgan qiziqishi va mehr-muhabbatini oshirish;
- musiqiy faoliyatlar jarayonida o‘quvchilarni musiqiy qobiliyatlari musiqiy o‘quvi, ovozi, diqqat-e’tibori va ijodkorlik his-tuyg‘ularini o‘stirish;
- musiqiy asari badiiy-g‘oyaviy mazmuni vositasida axloqiy estetik ruhda tarbiyalash;
- musiqa darslarida o‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirish, mehnatga muhabbat, Vatanga muhabbat, kattalarga hurmat tuyg‘ularini shakllantirish.

Mazkur maqsad va vazifalarni amalga oshirish o‘qituvchining kasbiy va pedagogik mahoratlariga bog‘liq. Har qanday san’atkor ham, maktabda musiqa madaniyati darslarini olib borolmaydi. Buning uchun musiqa o‘qituvchisi pedagogika, psixologiya, bo‘lalar fiziologiyasi, musiqa o‘qitish va metodikasi hamda o‘z musiqiy kasbiy fanlarini puxta o‘zlashtirgan bo‘lishi kerak. O‘qituvchi har bir darsini senariy muallifi, artisti, ijrochisi hamda rejissyori bo‘lishi bilan birga zamon bilan hamnafas qadam tashlashi muhim ahamiyat kasb etadi. O‘qituvchilik kasbini egallash uchun albatta kasbiy qobiliyatlarni bilan birga jismoniy va ruhiy sog‘lom

bo‘lishi dardor. “Buyuk pedagog A. Avloniy shunday degan edilar “Tarbiya qiluvchilar tabib kabi, tabib hastani badanidagi kasallikka davo qilgani kabi, o‘qituvchi ham bolani musiqa orqali, aqliy rivojiga diqqat markaziga ta’sir etib, ularda poklik, vijdon, sadoqat, mehr, kattalarga hurmat, Vatanga muhabbat kabi tuyg‘ularni tarbiyalaydi”. “Tarbiya biz uchun yo hayot yo momot, yo najot-yo halokat. Yo saodat-yo falokat masalasidir” deb yozgan edi. Buyuk mutaffakkir shoir A. Navoiy o‘z asarlarida musiqa tarbiyasining qirralarini chuqur o‘rganib, shunday dedi: “Musiqa jamiyat hayotining muhim negizidir. Faqat musiqagina odamning qalbiga tiniqlik, mutanosiblik va o‘z-o‘zidan qanot tuyg‘usini olib kiradi va uni baxtiyor qiladi”

A1 Forobiy fikricha: “Musiqa - nodir san’at, ezgulikka yetaklovchi kuchdir”, “Kimki ilm xikmat o‘rganmoqchi bo‘lsa, avvalo o‘zi ma’naviy barkamollikka erishmog‘i lozim”-deydi



Abu Rayxon Beruniy. “Har kimki hikmat o‘rganman desa, yoshlikdan bolasini, ilmli va dono kishilardan saboq olsin, shundagina u komillik darajasiga yetadi”; Shunday ekan, hozirgi davrda, musiqa o‘qituvchisidan mas’uliyat, fanga yangicha yondashuv uning metodologiyasini chuqur o‘rganish talab etadi. Umumta’lim maktablarida esa, musiqa madaniyati darslarning asosiy maqsadi, o‘quvchilarda musiqaga qiziqish uyg‘otish vositasida musiqiy madaniyatini tarkib toptirish. Zero kuy va ohang ta’sirida inson ezgulikka intilish, go‘zallikni asrash, ona tabiatga, ona Vatanga muhabbat his tuyg‘ularini shakllantirib, ma’naviy dunyosini boyitadi.

Tayanch tushunchalar: Musiqa - turli-tuman tovushlar bilan obraz yaratib beruvchi, g‘oyaviy emotsional mazmunga ega boigan san’atning bir turi.

Musiqa estetikasi - musiqa san’atining mohiyati, badiiy shakllari va uslublarini o‘rganadigan fan.





## ЎРТА ОСИЁДА МУСИҚАГА ОИД АСАРЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ: НИМА УЧУН ТАБОБАТДА ДАВО ЧОРАСИ СИФАТИДА МУСИҚАДАН ФОЙДАЛАНИШГАН?

*Тўрақулова Нигора Амировна*  
*Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар 10- мактаб ўқитувчиси*  
*Телефон: +998997402115 nigora\_2425@mail.ru*

**Анататсия:** Ушбу мақола мусиқага оид Ўрта Осиёлик алломалар яратган маданий ме-  
рос, Ибн Синонинг инсонларни даволашда нима учун мусиқадан фойдалангани хусусида  
боради

**Калит сўз:** Авесто, шошмақом, чолғу асбоблар, поэтик жанр, хор

Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистонда мусиқа санъати кўп асрлик тарихга эга, кўпгина созан-  
да ва хонандалар авлодининг фаолиятида қарор топган мусиқий асарлар бу ҳақда гувоҳлик  
беради. Археологик қазималарнинг гувоҳлик беришича Ўрта Осиё олимларнинг мусиқий  
рисолалари таржимаси ўзбек халқи мусиқа маданияти тараққиётининг тарихий жараёнини  
тасаввур қилишимизга ёрдам беради. Халқ поетик ва мусиқа санъатининг яралиши Аве-  
сто яратилган асарларга бориб тақалади. Сак, массагет ва сўғд халқлари турмуш тарзида  
Авесто китобининг ўрни бекиёс. Бухоро кизикчилари, Самарқанд найчилари, Тошкент эса  
раққос йигит ва раққосалари билан шухрат қозонган. Хаттоки хитойдан Тошкентга келган  
элчилар “Чоч рақси” яъни елка учуриб ўйнайдиган “Доира рақси”ни кўриб маҳлиё бўлиб  
қолган экан. Мумтоз мусиқамиз “замзама”, “тарона”(эски шакли “тароник”- “тарона-  
ча”, “бухорча”, “фарқонача” га ўхшаган услуб тушунчаси) “сувора” каби ибораларнинг  
илдизлари ҳам “Авесто” даврининг урф одатларига бориб тақалади. Тилга олинган эски  
мусиқий белгилар, кейинги даврлар мафқурасига биноан янгича маъно ва мазмунлар би-  
лан тўлдирилган. Буни археология, этнография ва бошқа фанлар берган маълумотлар ҳам  
тасдиқлайди. Ушбу даврларда юртимизда мусиқа асбобларининг уриб чалинадиган, пуфлаб  
чалинадиган ва торли созлар яратилган. Уруғчилик жамиятининг емирилиши ва давлат-  
чилик тарихи, Сўғдиёна, Бактрия ва Хоразмга аҳамонийларнинг бостириб келиши, ундан  
сўнг Александр Македонский даврида Ўрта Осиёлик қахрамонларнинг ўз мустақилликлари  
учун кураши мусиқа санъатига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади. Масалан Широқ ва  
Спитамен ҳақидаги афсоналар халқ оғзаки ижодининг маҳсули сифатида оғиздан оғизга  
ўтиб келган. Рустам ва унинг жанглари, малика Тахминага бўлган муҳаббати, танимаган  
отаси қўлида қатл қилинган ўғли Сухробнинг ўлими тўғрисида ҳикоя қилувчи қўшиқлар  
маросимларда айтилиб халқ томонидан ёд бўлиб кетган. Фирдафсийнинг “Шоҳнома” аса-  
рида Рустам, Сиёвуш ва бошқа баҳодирлар тўғрисида афсоналар цикли яратилади. Худога  
сиғиниш билан боғлиқ турли хил маросимларда ҳам қўшиқ айтилган. Авесто гимнлари  
хор бўлиб айтиш мумкин бўлган банд ва такрорланувчи нақоратли ярим насрий , ярим  
ваззли ривоятлардан иборат бўлган. Худоларга сиғиниш билан боғлиқ бўлган маросимлар-  
да муқаддас олов атрофида қўшиқ айтилган, рақс тушилган. Халқнинг байрам маросим-  
лари, масалан баҳорда кун ва туннинг бараварлашуви- Наврўз кенг тарқалган эди. Ўрта  
аср ёзувчилари мусиқанинг меҳнат маросимларидаги роли, инсоннинг мусиқанинг олам  
тузилиши билан табиатдаги ўлиш ва тирилиш ҳақидаги мифлар боғлашга бўлган инти-  
лишларини ҳам кўрсатиб ўтадилар. Юнон Бактрия подшолиги даврида яратилган мусиқа  
асбобларининг сурати юртимизнинг жанубий вилоятларида сақланиб қолган. Масалан Ай-  
ритом ёдгорлигида қўш най чалаётган аёл тасвирини учратиш мумкин. Қадимги Ўрта  
Осиёдаги антик маданиятнинг кўпгина мусиқа асбобларида (най, уд, доира) соф маҳаллий  
хусусиятлар мавжудлигини кўрсатиб берадилар. Бутун шарққа машҳур бўлган ва кейин-  
чалик шарқ адабиёти мумтоз асарларида тасвирланган Ўрта Осиёнинг йирик созанда ва  
хонандаси, ўнлаб куйлар ижодкори Барбаднинг номи машҳурдир. У Эрон шоҳи Хусрав  
саройида хизмат қилди. Мадҳия ва қўшиқлар, ҳарбий қўшиқлар ҳам ижод қилган. Ўрта  
Осиёдан етишиб чиққан Абу Райҳон Беруний, Ал Фаробий, Ибн Синолар ҳам мусиқага од



кўплаб рисоалар яратдилар. Фаробий ўзининг “Муסיқа назарияси” рисоласида товушларнинг характериға кўра муסיқа асбоблари хилма-хил рол ўйнаганини кўрсатиб ўтади. “Жангларға мўлжалланган чолғу асбоблари мавжуд, уларнинг овози баланд ва кескин. Зиёфат ва рақслар учун, тўй ва қувноқ йиғилишлар учун ҳам махсус чолғу асбоблари мавжуд. Айримларининг товушлари кескин ва хазин бўлади; бир сўз билан айтганда, улар шунчалик кўп ва шунчалик хилма хилки уларни санаб ўтиш қийин” деб ёзиб қолдирган. Ҳаттоки Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида муסיқа ёрдамида инсондаги руҳий касалликларни ҳам даволаш мумкинлигини исботлаган. Унинг бу самарали даволаш усулидан кейинчалик Усманийлар давлатида ҳам кенг қўлланилган. Ибн Сино X асрда исботлаб таъбатда қўллаган ушбу усулларини бугунги тиббиёт ҳам тан олиб санаб кўрмоқда. Сурункали қарчоқдан сўнг ажойиб классик муסיқа ҳар қандай инсоннинг ҳам дам олишиға ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. А. Хасанов “Муסיқа ва тарбия” Ўқитувчи 1993й
2. Саламонова. “Ўзбек муסיқа тарихи” Т.1981 й
3. Ал- Фаробий “Китобул муסיқа ал-кабир” 1967 й ПДФ
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий енциклопедияси 1, 6 сон 2006 й



## ТУЙҒУ ЧОЛҒУСИ ДЎМБИРА – ТАРИХ ВА БУГУН

*Жовлиев Шерхон Фарходович.  
Тер ДУ Санъатишунослик факультети  
муסיқий таълим йўналиши 4-босқич талабаси.  
+998994272027*

**Аннотация:** Ушбу тезисда думбира чолғуси ва бахшичиликнинг келиб чиқиши хақида умумий маълумотлар уз аксини топган.

**Калит сузлар:** Аспект, ривоят, думбира, бахшичилик, ижод, хонандалик, .

Муסיқа – сўздан фарқли равишда таржимасиз тушунилагидек, муסיқий чолғулар ҳам миллий чегара ёки давлат чегараларини тан олмайди. Бунга ўзбек миллий чолғулари сифатида биладиган кўпчилик муסיқий чолғуларнинг бошқа халқларда айнан шундай ёки бир оз ўзгарган кўринишда учрашни мисол қилиб олишимиз мумкин. Муסיқа – умуминсоний маданиятнинг бир қисми ҳисобланар экан, муסיқани яратувчи чолғу асбоблари маънавий муштарақликка етакловчи восита сифатида талқин этишимиз учун асос бор. Айниқса, энг содда муסיқа чолғуларининг ер шарининг турли ҳудудларида учраши, уларнинг оддий халқ кўлида минглаб йиллар давомида сақланиши кишини лол қолдиради. Бу содда чолғулардаги ижро имкониятининг чегараланганлиги, уларда ижро этиладиган куйларнинг бир-биридан фарқ қилишидан қатъий назар ҳар бир халқнинг миллий оҳанглари ифодалаганлиги шу чолғуларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган, десак хато бўлмас.

Инсониятнинг ҳаёт тарзи, маданияти, маънавияти ривожланиши давомида яратилган муסיқий чолғулар, мантиқий жиҳатдан олиб қаралганда, бирин-кетин пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин.

Ривоятда келтирилишича, қадим замонда созгар ясаган асбобидан кўнглидагидек наво-ни топа олмайди. Бир куни туш пайти кўчадан бир неча йигитлар кўшиқ куйлаб ўтишади. Бир оз муддатда шу йигитлар яна ўша кўшиқни хиргойи қилиб қайтишади. Овозларидаги ўзгаришни сезаган уста уларга мурожаат этади: “Ҳали кетаётганда кўшиқни ичкарироқдан, маромига етказиб куйлаб ўтаётган эдиларинг. Энди овозларингдаги жарангдорлик йўқолган”. Бу озгина муддатда нима рўй берганини сўрайди. Йигитлар жавоб беришади: “Ҳали ўтаётганда қорнимиз оч эди, шунга овозимиз яхши чиққан. Энди ўртоғимизнинг тўйидан зиёфат еб қайтаямиз. Қорнимиз тўқ. Овозимиз бўғилган”. Бу воқеадан хулоса олган уста ясаётган чолғусининг қорин қисмини ковак қилиб ўяди ва бахшиларнинг тил-мочи дўмбирани кашф қилади.

Дўмбира чолғуси ҳозирда кенг тарқалган дутор чолғуси яратилишига сабаб бўлган, дуган тахминлар бор. Қозоқ халқида ҳам дўмбира чолғуси энг асосий чолғулардан бири ҳисобланади. Қозоқ дўмбираси замон таъсирида ўзгартирилиб, қовурғали косахона ва боғлам пардаларга эга бўлган чолғудир. Биздаги кўринишли дўмбира ҳам сақланиб қолган, “чертар” деб номлашади.

Муסיқа чолғулари усталари – созгарлар доимо турли тажрибаларга қўл уриб чолғуларни мукамаллаштириш, ижро имкониятини янада кенгайтириш, садосини яхшилаш, кўринишини такомиллаштириш, турли безаклар билан безашга ҳаракат қилиб келганлар. Шу билан бир қаторда баъзи созгарлар маълум муддат истеъмолда бўлиб, кейинчалик унутилган чолғуларни қайта тиклаш ва янгидан ҳаёт бағишлаб, мувоффақиятларга эришган. Фольклор муסיқа чолғуларининг сақланиб қолиши ва жуда кам ўзгаришга учрашининг асосий сабаби уларнинг содда тузилишга эга эканлиги ва оддий одамлар томонидан ҳам ясалиши мумкинлигидадир.

Агар дўмбира дутор чолғусининг асосини ташкил этадиган бўлса, дутор таъсирида ҳозирга кавказ халқлари ва туркарда машҳур бўлган “соз” чолғуси дунёга келган, деб тахмин қилиш мумкин. Чунки, дуторнинг металл торлар тортилган қорақалпоқ дутори ва туркман дуторлари кейинчалик ғарбга томон силжиб металл торларда мезроб воситасида



товуш ҳосил қилиш услубидаги “соз”ларнинг дунёга келишига сабаб бўлган, дейишимизга асос бор. Қолаверса, кавказ халқларида (Доғистонда) муомаладаги “соз” кўриниши билан дутор чолғусининг катталаштирилган нусхасини ёдимизга солади.

XIX аср охирида рус халқ чолғуларига қайта умр бағишлаган В.В.Андреев аввал балалайка чолғусини такомиллаштиради. Унга ёрдам берган усталардан бири тасодифан том устида таъқиблардан яширилган эски дўмбира чолғусини топиб олади ва уни такомиллаштириб ҳозирги кўринишга олиб келади. Маълум бўлишича қадимги рус дўмбирасида ҳам пардалар бўлмаган ва ундаги ижро мезроб билан эмас ўнг қўл бармоқларида бажарилган.

Баъзи чолғуларимиз номини сақлаб қолган ҳолда бошқа халқларда кўриниши жихатдан кескин ўзгаришларга учраганини кузатиш мумкин. Рус халқ чолғулари зурна (сурнай), домра (дўмбира), накри (ноғора) шулар жумласидандир. XV асрдан XIX аср ўрталаригача даврдаги рус ҳукмдорлари махсус фармонлар билан черков аъёнлари таъбири билан айтганда “шайтон чолғулари” ижрочилари билан курашиб келган. Инсонларни диндан чалғитган скоморохларнинг мусиқий чолғулари ва ўзлари доимий таъқибда бўлган. Ўзбек бахшиларининг доимий ҳамроҳи дўмбира чолғуси домра деб аталадиган рус халқ чолғусининг “қариндоши” эканлигини исботловчи қуйдаги ҳодиса Е.И.Максимовнинг “Россиеские музыканты – самородки” китобида келтирилади. Рус дайди мусиқачилари – “скоморох”ларни таъқиб қилиш ва халқ чолғуларида ижрони таъқиқлаш тўғрисидаги шоҳ Алексей Михайловичнинг 1648 йилги фармони ва Пётр I нинг машхур рефармалари натижасида кўплаб мусиқа чолғулари қаторида домра ҳам созандалардан мусодара қилинган ва ёқиб юборилган эди. Рус халқ чолғулари кейинчалик бошқачароқ кўринишда пайдо бўла бошлади ва бизга маълум бўлган дўмра чолғуси косахонаси учбурчак шаклга келтирилиб, “балалайка” номи билан ишлатила бошланди. Рус халқ чолғулари тарғиботчиси В.В.Андреев рус халқ миллий чолғуларини тиклаш жараёнида Вятск губерниясида амалиётда бўлган шогирди Мартинов томонидан 1895 йилда олиб келинган, у ердаги чордоқдан топилган қадимий домра чолғуси асосида ҳазирги истеъмолдаги домра чолғуси ва унинг оиласини яратган. Юқорида келтирилган воқеалар тизимига асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, рус халқ чолғулари оркестрида асосий чолғу ҳисобланган балалайка ва домраларнинг барчаси бизнинг ҳудудимизда деярли дастлабки кўринишини сақлаб қолган дўмбира чолғусининг “набиралари” экан.

Бахшиларнинг тингловчи билан мулоқотга киришишда энг яқин ёрдамчиси дўмбира жуда қадим тарихга эга эканлигини келтириб ўтдик. Унинг заминимиздаги энг қадимий торли чолғулардан бири эканлигини тарихий маълумотлар ва археологларнинг қазилма бойликлари исботлайди. Ҳозирда бизда қўлланилаётган дўмбира жуда кам ўзгаришга учраган. Дастлабки даврларда ичакдан, кейинчалик ипакдан, эшилган торлар бугунга келиб пластик иплар билан алмаштирилган, холос.

Дўмбира чолғусининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, қўшиқ ижрочиси усулни доимо сезиб туриши учун аксарият ҳолларда талаб этиладиган урма чолғу (дойра) иштирокидан халос қила олади. Демак, дўмбирада куйнинг ўзини чалиш қаторида усулни ҳам қўшиб ижро этиш имконияти бор.

Дўмбира асосан ўрик, писта, ёнғоқ, арча, тут, олмаурт дарахтларининг ёғочидан тайёрланади. Шу дарахтларнинг 5-10 ёшлилари ноябрь охири, декабрь бошларида кесиб олиниб, 1-1,5 йил чуқурга кўмиб қўйилади – бир метр узунликда тайёрлаб олинган ёғочлар. Кўмилган дарахт устидан гоҳ-гоҳ сув қуйиб турилади. Натижада дарахтдаги шира керагича чиқиб кетади.

Ҳар бир устанинг ўз дўмбира тайёрлаш йўли борлигини айтади уста Нормурод Шойдилов.

Дўмбиранинг аниқ ўлчамлари йўқ. У аксарият ҳолларда маҳаллий усталар томонидан тайёрланганлиги, буюртма берувчининг бўйи-басти, истаги инobatга олингани муносабати билан турли ўлчамда тайёрланган ўтмишда. Бахши ва усталарнинг фикрича, садоси энг зўр дўмбиралар олмаурт (нок) дарахтининг ёғочидан тайёрланар экан. Ҳозирда дўмбирага тортиладиган пластик торлар ўрнида аввал эчки ичагидан эшилган тор ишлатилган. Ёши улуғ бахшилар ва дўмбира ижрочиларининг маълумотига қараганда қадимда энг яхши тор



сифатида “чумчуқ пай” торлар ишлатилган ва улар ҳақиқатдан чумчуқнинг оёғидаги пай қисмидан эшилган. Ҳазирда бундай торларни эшиб тайёрлаш технологияси унутилган.

Дўмбира бошқа фольклор чолғуларига нисбатан кўпроқ ўрганилган ва ҳатто унда ижро этилган куйлар ноталаштирилган. Мусиқашунос олим Ф.Кароматовнинг 1962 йилда нашр этилган “Домбира мусиқаси” китоби тўлиқ мазкур чолғуга бағишланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холиқ Хурсандов мусиқий чолғуларни қуйдагича таснифлашни тавсия этади: туйғу чолғулари ва куй чолғулари. Фольклор чолғуларини киритишимиз мумкин. Туйғу чолғуларида маълум бир куй ижро этилмайди, унда лавҳа ва оҳанг ижро этилади. Бу лавҳалар эса ҳар бир ижрочининг ўзигагина хос бўлиб, унда учрайдиган элемент ушбу оҳангнинг номланишини белгилайди. Ш.Болтаев репертуаридаги “Бой келди”, “Оғажоним”, “Меҳмондир”, “Туя чўктир” ва А.Поёнов репертуаридаги “Дўмбира нағмаси”, “Сарбоз нағмаси”, “От хайдаш нағмаси” шулар жумласидандир.

Миллий чолғуларимизга бўлган муносабатимиз тарихимизга, анъана ва урф-одатларимизга, халқимизга чуқур ҳурматимиз ифодасидир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2016 йилда Сурхондарё вилояти “Амударё” болалар оромгоҳи қошида “Бахшичилик мактаби”га асос солинди. Дўмбира жўрлигида бахшилар азалдан комил инсон ғоясини илгари суриб келади. Юртбошимиз халқ оғзаки ижодининг ушбу йўналишига эътибор қаратгани ҳам бежиз эмас. Достон тинглаётган ҳар бир қалб бахши ҳаётини куйлаётган қаҳрамонларнинг бошидан кечирган савдоларни, характеридаги ҳислатларни жонли тарзда яшаб ўтади. Бу эса тингловчида оқибат, садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг камол топишида беқиёс аҳамият касб этади. Демак, туйғулар чолғуси дўмбира инсондек улкан қадриятнинг ҳаётини рангбаракликка, ёғдуга чўлғашда ўрни катта.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўрозали Тошматов. “Чолғушунослик”. – Тошкент. 2006 й
2. С.Турсунов, Т.Пардаев, Н.Турсунов, Б.Муртазаев. “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи”. – Т. “Тафаккур”. 2015 й
3. [www.fikr.uz](http://www.fikr.uz)





## YOSHLARNING MA'NAVIY KAMOLOTIDA MUSIQIY TARBIYANING ROLI.

*Rahimov Kazimjon Raupovich*  
*Farg'ona viloyati Oltiariq tumani*  
*12-umumiy o'rta ta'lim maktabining musiqa fani o'qituvchisi.*  
*Tel: 91-653-19-77*

**Annotatsiya:** Maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablarining musiqa darslarida an'anaviy xonandalik - xor jamoasi va maktab to'garaklar faoliyatini shakllantirishning dolzarb masalalari qamrab olingan. Shuningdek, muallif qo'shiq o'rganish, jamoa bilan ishlash bo'yicha yuzaga kelayotgan muammolar, musiqa o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligidagi kamchiliklar, xor bo'lib kuylash malakasining talab darajasida emasligi va ularni bartaraf qilishning yo'l-yo'riqlari haqida fikr yuritgan.

**Kalit so'zlar.** "Zamonaviy yoshlar" xor jamoa, qo'shiqchilik, maqom, meros, diapazon, chormaqom, kichik oktava, improvizatsion ijrochilik.

Musiqa oliyjanob fan va nafis san'atdir, musiqa tufayli inson o'zida yangi ilgari sezmagani kuchlarni topadi. Hayotga boshqacha nazar bilan qaraydi.

Musiqa hayratli va takrorlanmas hodisa, u bizni ma'naviy boyitadi. Hayotimizga alohida ma'no va mazmun kiritadi. Shuning uchun ham uning yashashi uchun tabiiy ehtiyoj bor.

O'quvchilarning badiiy-estetik didini shakllantirishda musiqa san'atining o'rni beqiyosdir. Musiqa boshqa san'at turlaridan farqli o'laroq u ijodning eng nozik tuyg'ularini, his-hayajonni, inson miyasiga boy emotsiya zaxiralarini solishga qodirdir. Shu sababli ham musiqani inson ongiga singdirish davomida faqat ijobiy his-tuyg'ular hosil bo'lishini ma'qul hisoblayman. Shu bois yosh avlodni milliy merosga, tarixiy an'analarga hurmat, Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalashda musiqa samarali omillardan biri hisoblanadi.

O'quvchining musiqa san'atiga qiziqishi, uning dastavval, darsga munosabati va unga moyillik hissi mavjudligini aks ettiradi. O'qituvchining asosiy vazifalaridan biri, o'quvchini faqat musiqa san'atiga qiziqtiradigan nazariy tushuncha va amaliy ijro bilan shug'ullanishga jalb etish bilan chegaralanib qolmasligi lozim. Balki, uning musiqiy qiziqishlarini yanada chuqurlashtirishga da'vat etuvchi musiqiy g'oyalar, xususan, musiqiy «til» orqali asarda qanday real voqealar aks ettirilganligi va musiqiy-badiiy obrazlar nechog'lik shakllanganligini tushunib olishga da'vat etuvchi qiziqishlar ko'lamini o'stirib borishdan iborat bo'ladi.

Bizga ma'lumki, musiqa inson ruhi va aqliy rivojiga o'zining ta'sirini o'tkazadi va estetik hissiyatini faollashtiradi. Shuning uchun ham xalqimiz qadim-qadimdan musiqa va qo'shiqni o'z ijtimoiy va madaniy hayotlarining muhim bo'lagi deb bilganlar. Oiladagi farzandlarning qo'shiq aytish, milliy xalq cholg'u asboblari o'rganishi ota-ona orzusi sanalgan. Chaqaloqni yo'rgaklanish bilanoq alla aytiladi, kuy ohangi bola qalbiga, ruhiyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Xulqi, odobi, tafakkuri tez shakllanadi. Va yaxshi fazilatni egallashda katta ta'sir kuchiga ega bo'ladi.

Musiqa san'at havosida insonlarda o'z yerini sevishi, millatini sevish, milliy g'ururga ega bo'lish, barkamol shaxsning biri bo'lib bu borada salmoqli o'rin tutadi. Boisi birinchidan musiqa turmushimizga chuqur kirib borgan eng keng yoyilgan badiiy qadiryat hisoblanadi. Ikkinchidan, musiqa o'z ta'sir kuchiga, hissiyot ta'sir doirasiga ko'ra eng samarali vositadir.

Barchamizga ma'lumki, muhtaram prezidentimiz tomonidan ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalaridagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha 2019-yil 20-mart kuni videoselektorda 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edi.

Birinchi tashabbus yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi. Men bunday yartilgan shar-sharoitlardan oqilona foydalanib maktabimizda 31 nafar o'quvchidan iborat "Zamonaviy yoshlar" xor jamoasini tuzishga erishdim. Xor jamoga moslab yangi innovatsion





loyihada “Musiqqa ezgulikka chorlaydi” nomli maktab to`garaklari uchun o`quv qo`llanma ishlab chiqdim. Ushbu o`quv qo`llanmada xor jamoalarining qatnashchilari uchun turli xil mavzulardagi qo`shiqnlarni bastaladim. Bastalagan asarlarimni o`quvchilar zavq-shavq bilan kuylab kelishmoqda.

Men yuqorida yozgan fikrlarimni o`z o`quvchilarimda sinovdan o`tkazdim, va shunga amin bo`ldimki, musiqaning sehri o`quvchilarni ezgulikka, ularni taffakurini yuksaltirishda juda yaxshi samara berib kelmoqda. Bu borada olib borilgan ishlar shuni ko`rsatdiki, to`garak a`zolarining o`qishga bo`lgan qiziqishlari, odob-axloqi, maktabda o`zining tutishi, kiyinish madaniyati o`qish davomati ota-onaga vatanga ustozlarga bo`lgan munosabatlari boshqa o`quvchilarga qaraganda butunlay yaxshi o`zgara boshladi.

Xulosa qilib shuni ma`lum qilamanki, to`garak a`zolarining ota-onalari farzandlarining quvonchlaridan shodlanib maktab oila hamkorligini yanada kuchaytirishgan va ustozlardan benihoyat minnator bo`lishmoqda. Buning uchun ta`lim sohasida yana sodda maqsadli dasturlarni ishlab chiqib ularni bu sohaga tadbiiq etish shart.

Foyalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. I.A Karimov I.A. «Barkamol avlod orzusi». Toshkent. SHarq. 1999. 184 b.
2. Karimov I.A. «Biz tanlagan yo`l demokratik taraqqiyot va maorifiy dunyo bilan hamkorlik yo`li». Toshkent. O`zbekiston. 2003. 11-tom.
3. Abu Nasr Farobiy «Fozil odamlar sharhi». T. 1993. 5. Munavvarov A.K. «Oila pedagogikasi» T. «O`qituvchi». 1998.
4. Munavvarov A.K. «Oila pedagogikasi» T. «O`qituvchi». 1998.



## MILLIY QO'SHIQCHILIK SAN'ATINING RIVOJLANISHI VA UNUNG KOMIL INSON SHAHSINI SHAKILLANTIRISHDAGI AHAMIYATI

*Sheraliyeva Donohon*

*Toshkent shahar Sergeli tumani 277-umumiy o'rta talim*

*Maktabining musiqa madaniyati fani o'qituvchisi*

*Shermatova Osiyo*

*Farg'ona viloyati Buvayda tumani 24-umumiy o'rta talim*

*maktabining musiqa madaniyati fani o'qituvchisi*

*Tel:+ 998 91-145-72-09*

**Annotatsiya:**Maqolada milliy qo'shiqchilik san'atining inson shaxsini kamol toptirish, olijanob insoniy fazilatlarini tarbiyalashdagi ahamiyatiga yuksak baho berganlari haqida dolzarb masalalari qamrab olingan. Shuningdek Muhtaram Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyev tomonidan ham ushbu sohalarini rivojlantirish borasida chiqarilayotgan farmon va qarorlar, beshta tashabbus bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar, ayniqsa bu tashabbuslarning birinchisi yoshlarning san'atga jalb qilish, ularning ma'naviy barkamollikka yetaklash orqali soha rivojiga yangi nafas, yangi ruh olib kirganligi haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** Milliy qo'shiqchilik, folklor, an'ana, ansambil, qadriyatlar, maqom, musiqiy meros, bastakor, estrada, estetika.

Mustaqillik tufayli mamlakatimizda amalga oshirilayotgan yangilanish va rivojlanish siyosatining strategik maqsadi mustahkam ma'naviy-axloqiy qadriyatlar negizida yangi jamiyat barpo etishdir. Madaniyatni, shu jumladan, musiqiy madaniyatni yuksaltirish islohotlar samaradorligini oshirishda, demokratik tamoyillarni qaror topishda hamda ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni boshqarishda muhim omillardan biriga aylanib bormoqda.

Yoshlarda yuksak fazilatlarini shakllantirishda, shuningdek, ularning ma'naviy dunyoqarashini kengaytirishda musiqa va milliy qo'shiqchilik san'atining o'rni va roli muhim ahamiyatga ega.

Prezidentimiz Islom Karimov rahnamoligida ma'naviyatga bo'lgan yuksak e'tiborning natijasi o'laroq, musiqiy madaniyatni rivojlantirish, mazkur jarayonni yangilash, uni zamon talablariga mos tarzda yuksaltirish hamda yoshlarning badiiy-musiqiy dunyoqarashini kengaytirish bilan bog'liq muammolar jamiyat ijtimoiy hayotining dolzarb masalalariga aylandi. Zero "Mumtoz musiqiy merosimizni asrab, avaylah va o'rganish uni yosh avlodga bezavol yetkazish maqsadida, ko'plab ko'rik tanlovlar, nufuzli xalqaro musiqiy anjumanlar muntazam ravishda o'tkazilib kelinmoqda" - degan fikrning falsafiy musiqiy mohiyatning yangilanish jarayonlarinig takomillashtirishga bo'lgan ehtiyojini qondirishga qaratilgan.

Mustaqillik davrida miliy qo'shiqchilik san'atini rivojlantirish sohasida Birichi Prezident Islom Karimovning qator farmonlari va qarorlari e'lon qilindi. Jumladan, "O'zbeknavo" gastrol-kontsert birlashmasini tashkil etish to'g'risida (1996), "O'zbekiston – vatanim manim" qo'shiqlar bayramini o'tkazish to'g'risida (1996), "Respublikada musiqiy ta'limni, madaniyatni va san'at o'quv yurtlari faoliyatni yaxshilash to'g'risida" (1996), "O'zbekiston estrada san'atini yanada rivojlantirish to'g'risida" (1998-2001) kabi farmon va qarorlar o'zbek miliy qo'shiqchilik san'atini yanada rivojlanishiga ijobiy ta'sir etdi.

Ayniqsa, 1997 yildan boshlab, har ikki yilda Samarqand shahrida o'tkazilayotgan "SHarq taronalari" xalqaro festival o'zbek milliy qo'shiqchilik san'atini dunyoga tanitishda muhim rol o'ynamoqda. SHuningdek, mustaqilligimizning birinchi yilidan boshlab o'tkazilayotgan Mutaqillik va Navro'z bayrami shodiyonalari, tantanalari o'zbek milliy qo'shiqchiligi san'atining rivojiga salmoqli hissa qo'shmoqda.

Istiqlolning o'tgan davrlari mobaynida xalq musiqa ijodiyoti yo'nalishi yangi bosqichga ko'tarildi. Musiqiy folklorini xalqimizning etnik joylanishi sharoitidan, barcha vohalarning urf-odatlarini nuqtai nazardan kelib chiqqan holda tabiiy ijroviy ko'rinishi, kiyimlari va o'ziga xos musiqa sozlaridagi musiqiy ko'rinishi saqlanib qolmoqda. Yangilik sifatida xalq folklor



ijrochiligining milliy estrada yoʻnalishiga uygʻunlashgan holda yangi ijroviy namunalari ham namoyon boʻlmoqda. Bu koʻrinishlar xalq musiqiy folklor ijodiyotini yangilanish bosqichiga koʻtarilganidan dalolatdir.

Respublikamizda ushbu janrda ijod qilayotgan “Besh qarsak”, “Boysun”, “Gulyor”, “Omonyor”, “Gulchehralar”, “Doston”, “Besperde”, “Orzu”, “Yor-yor!”, “CHavgi”, “Mohi Sitara” singari koʻplab ansambllar oʻzlarining yorqin ijodlari bilan namuna boʻlmoqdalar.

Yana bir xalqona musiqiy yoʻnalish mumtoz anʼanaviy musiqiy ijrochiligi sohasida ham eʼtiborli ishlar amalga oshirildi. Asrlar qaʼridan ajdodlarimizdan bizga meros boʻlib kelgan xalq anʼanaviy kasbiy musiqamiz yangi-yangi boy anʼanalarni davom ettirmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyev tomonidan ham ushbu sohalarni rivojlantirish borasida chiqarilayotgan farmon va qarorlar, beshta tashabbus boʻyicha amalga oshirilayotgan ishlar, ayniqsa bu tashabbuslarning birinchisi yoshlarning sanʼatga jalb qilish, ularning maʼnaviy barkamollikka yetaklash orqali soha rivojiga yangi nafas, yangi ruh olib kirganligini guvohi boʻlmoqdamiz. Prezidentimiz qarorlari bilan SHahrisabz shahrida xalqaro maqom anjumanlarinig, Termez shahrida xalqaro bahshichilik sanʼati anjumanlarinig , Margʻilon shahrida “Buyuk ipak yoʻli” I xalqaro folklor musiqa festivali doirasida oʻtkazilayotgan katta nufuzli xalqaro anjumanlarning guvohi boʻlib turuibmiz. Musiqa sanʼatimiz va madaniyatimizni xalqaro miqʼyosga olib chiqishida muhim qadam boʻldi, desak yanglishmaymiz.

Xozirgi davrga kelib xalq mumtoz qoʻshiqchiligini, xalq baxshichilik sanʼatini rivojlantirish borasida talay ishlar amalga oshirilib kelmoqda. Bu borada Birinchi Prezidentimizning farmoni bilan “Oʻzbekiston Respublikasi xalq xofizi”, Oʻzbekiston Respublikasi xalq baxshisi“ faxriy unvonlari taʼsis etilishi ushbu sohaga boʻlgan eʼtibordan dalolatdir.

Mustaqillik yillarida alohida ijrochilik salohiyatiga ega boʻlgan milliy qoʻshiqchilik sanʼatiga toʻxtalib oʻtish joizdir.

Milliy qoʻshiqchiligimiz, sanʼatimizning oʻziga xos rivojlanish yoʻlini qabul qildi. Taniqli kompozitorlar M.Burhonov, I.Akbarov, M.Leviev, A.Berlin, X.Izomov, E.Solihov, Gʻ.Qodirov, A.Muhammedovlar xamda bolalar sevib ijro eʼtib kelayotgan qoʻshiqlar bastakorlari SH.Yormatov, N.Norxoʻjaev, A.Mansurov, D.Omonnulaeva, X.Xasanova bu yoʻnalishida muvaffaqiyatli ijod qildilar.

Istiqlol yillarida estrada ijrochilik sanʼatimiz yangi bosqichga koʻtarildi. SHu yillarda “Oʻzbeknavo” gastrol-kontsert birlashmasini tashkil etilishi, “Oʻzbekiston – vatanim manim” qoʻshiqlar bayramini oʻtkazilishi, “Oʻzbekiston estrada sanʼatini yanada rivojlantirish toʻgʻrisida” gi Prezidentimizning farmonlari bu borada yuksalish yoʻlini belgilab berib kelmoqda.

“Ofarin”, “Ona zamin yulduzlari”, “Nihol” sovrinlari taʼsis etildi. Yangi-yangi ijrochilar kashf etildi. Estrada kollektivlari, guruhlari, alohida ijrochi yoshlar xalqaro festivallarda, tanlov va kontsertlarda muvaffaqiyatga erisha boshladilar. Oʻzbek estradasining Farruh Zokirov “Yalla” vokal-cholgʻu ansambli, Mansur Toshmatov, Gʻulomjon Yoqubov, Nasiba Abdullaeva singari ustoz ijrochilari ketidan yangi estrada vakillari barakali ijod qilmoqdalar.

Ulugʻ ajdodlarimiz oʻz milliy qoʻshiqchilik sanʼatining inson shaxsini kamol toptirish, olijanob insoniy fazilatlarini tarbiyalashdagi ahamiyatiga yuksak baho berganlar. Jumladan, qoʻshiqchilik sanʼatining barcha turlari kishilarga badiiy-estetik zavq beribgina qolmay, ilmiy tushunchalar bilan ifodalash gʻoyat mushkul boʻlgan olam sirlari haqida bilimlar berilishi, hayot haqiqatini badiiy-estetik vositalari orqali idrok etishga yaqindan yordam koʻrsatishini oʻzlarining asarlarida bayon etganlar.

Mustaqillik yillarida maʼnaviy qadriyatlarimizning tiklanishi, oʻzbek milliy qoʻshiqchilik sanʼatini yangi bosqichga olib chiqishda, oʻtgan ulugʻ ustozlarimizning ijodi va faoliyatini, ularning oʻziga xos va betakror ijrochilik mahoratini har tomonlama chuqur oʻrganish va targʻib etish uchun katta imkoniyatlar yaratdi. Xalqimizning badiiy-estetik madaniyati, jumladan, milliy qoʻshiqchilik sanʼati tarixida oʻchmas iz qoldirgan har bir sanʼatkor hech shubhasiz, oʻzi yashagan davr ruhini, muxlislarning estetik didi, maʼnaviy ehtiyojlari va salohiyatini oʻzida toʻla mujassamlashtirgan, oʻz asarlari bilan zamondoshlarining maʼnaviy ehtiyojlarini qondirishga harakat qilgan.



Mustaqillik mafkurasini yaratishda, uning bosh bo‘g‘ini bo‘lgan ma’naviy madaniyatni yoshlar o‘rtasida targ‘ib etishda milliy qo‘shiqchilik san’ati durdonalarini va uning rivojiga salmoqli hissa qo‘shgan buyuk san’atkorlar hayoti va ijodini chuqur o‘rganish katta tarbiyaviy va ma’rifiy ahamiyatga egadir.

Bugun yurtimizning qay hududida qanday tadbir , bayram, marosimlar bo‘lmasin kuy-qo‘shiqlarsiz o‘tmaydi. Biz juda boy madaniy meros egalarimiz ana shu merosni asrab avaylash uni yosh avlodga yetkazib berish bizning vazifamizdir.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. T; “Ma’naviyat” 2008.
2. Karimov I.A Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. T.; “O‘zbekiston” 1996
3. Mustaqil O‘zbekiston tarixi. T.; “SHarq” 2010
4. Qambarov A. Milliy musiqa – ma’naviy kamolot. “O‘zbekitston” 2016
5. Mannopov S. ”So‘nmas navolar”, “Farg‘ona” 2002
6. Ibragimova F. O‘zbekistonda badiiy madaniyatning yangilanish jarayonlari. Avtoreferat. f.f.n.T.; 2016y. O‘zM
- 7.Davlat, jamiyat, oila va yoshlar tarbiyasi muammolari, T.”O‘zbekiston” 1996- yil.
8. Qodirov. D.Q. An’anaviy qo‘shiqchilik. Iqtisod-moliya nashriyoti. 2008-yil.
9. Begmatov.S., Karimova.D., Mamirov.Q. Musiqa. 6-sinf uchun darslik. G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. – T.: 2008-yil.



## МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎСМИРЛАРДАГИ СУРУНКАЛИ СТРЕСС ВА ЧАРЧОҚДАН ХАЛОС БЎЛИШДА МУСИҚАНИНГ АФЗАЛЛИГИ

*Сойилова Гуллола Бурхоновна*  
*Навоий вилоят, Кармана туман № 3- мактаб ўқитувчиси*  
*Телефон: +998943798919 soyilova\_89@mail.ru*

Анататсия: Ушбу мақола орқали мактаб ёшидаги ўсмирлардаги турли хил рухий чарчоқ ва асабий ҳолатларни мусиқа билан бартараф қилиш ҳақида маълумот берилади.

Калит сўз: техника-технология, стресс, сурункали чарчоқ, чалғу асбоблари, мусиқа терапияси, картизол.

Бугун ахбарот технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврда яшамокдамиз. Яратилаётган кўплаб ихтироларсиз бугунги кунимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун мактаб ўқувчиси кундалик вазифасини бажариш мақсадида техника-технологиядан фойдаланиш билан бирга турли хил ўйинларни ўйнаш учун ҳам керагидан ортиқ компютер қаршисида қолмоқда. Айрим ота- оналар томонидан фарзандларининг вақтини тўғри тақсимламасликлари, уларни нима биландир овунтириш учун ҳам қўлларига телефон ёки планшет беришлари кузатилади. Инсон оғирини енгил қилиш учун яратилган аксар ихтироларнинг салбий тарафлари ўзини намоён қилмоқда. Айниқса булар ўсиб келаётган организмларда бир қанча сурункали касалликларни келтириб чиқармоқда. Ортиқча вазн, стресс, сурункали чарчоқ, агрессивлик, уйқусизлик, кўриш қобилияти билан боғлиқ муаммолар шулар жумласидандир. Ота оналар томонидан хавотир билан тилга олинаётган фарзандларидаги бу ҳолатларни бартараф этиш учун мутахассислар бир неча тажриба намуналарини синовдан ўтказилди. Маълумки ҳар бир давр ёки замон ўз тараққиёт даражаси негизида ўзининг маънавий дунёсига эга бўлади. Жамиятнинг эҳтиёжларига ҳос талаби, дидига мос дунёқарашларига мутоносиб ҳолда шаклланади. Тадқиқодлар мусиқа тинглаш маълумотларни яхшироқ ўрганиш ва эслаб қолишга ёрдам беришини кўрсатди. Мусиқа ёки чалғу асбобларини чалиш миянинг ҳар икки ярим шарини ҳам ишлашига ёрдам беради. Мусиқа нафақат биз севиб тинглайдиган нарса бўлибгина қолмай, оғриқни енгиллаштирадиган, стрессни енгадиган, ўзингизга ишонч берадиган мулоқот қилишдаги тўсиқларни бартараф этадиган кучдир. Ҳар хил тадқиқотчилар мусиқа терапия саратон касаллигидаги оғриқни сезиларли камайтириши мумкинлигини аниқлашди. Уйқусизлик муаммоси ўсмирларда ҳам катталарда ҳам кўп учраб туради. Тажриба натижасига кўра 45 дақиқа олдин Бах ва Мотцарт мусиқаларини тинглашгандан сўнг уларнинг аксарияти тезда уйқуга кетди. Мусиқа тинглаш стресс гармонларини ишлаб чиқарувчи картизол фаолиятини пасайтириш орқали сурункали стресс хавфини камайтиради. Тажрибалар шуни кўрсатадики медитатсион товушлар ва классик мусиқа миянинг тинчланишига ва дам олишига ёрдам беради. Мазкур мусиқаларни тинглаш давомида мия ўзини яхши хис қилиши нерв сестимасида ижобий ўзгаришлар кузатилади. Бу каби тадқиқотчилар томонидан айтилаётган фикрлар бир неча асрлар илгари антик давр табиблар томонидан исботланган ҳақиқатлардир. Қадимги юнон файласуфи Арестотел: “ Мусиқа руҳнинг ахлоқий томонига маълум даражада таъсир қилиши мумкин. Мусиқа шу каби хусусиятларга эга бўлгани учун уни ёшларга таълим берадиган фанлар қаторига киритиш керак” . Юнон маданиятида мусиқа одоб манбаи деб ҳисобланган ва руҳни тарбиялаш , дардлардан халос бўлиш воситаси сифатида қаралган. Фарбда рухий касал одамларни даволамасдан жамиятдан ажратиб қўйиш уларни исқажага олиш кузатилган бўлса Турк ислом дунёси табобатида шифохоналарда мусиқа билан даволаш IX асрда йўлга қўйилган. Ибн Сино рухий касалларни мусиқа йўли билан даволаган, унинг даволаш методлари Усмонли давлатида ҳам қўлланилган. Мусиқани эшитиш ёки уни чалиш инсонга завқ беради. Фарб олимлари кўпгина касалликларда мусиқанинг ижобий тарафларини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келдилар. Ҳар қандай ёшдаги инсон хоҳ у бола ёки қария бўлсин ўйқуга ётишдан олдин ўзи севиб тинглайдиган мусиқани эшитса унга рухий жиҳатдан ҳеч қандай сурункали ка-



саллилар хавф солмайди. Афсуски ёшлар ўртасида баланд овоздаги мусиқаларни эшитиш, тунги клубларда эргалабгача ўйин кулгулар қилиш урф бўлган. Баланд даражада эшитиладиган мусиқа инсон асаб сестимасига шу даражада салбий таъсир қиладики, бу инсон учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Катталар томонидан назоратсиз қолган болалар салбий одатларга одатланишлари мумкин. Шунинг учун қарияларимиз энди туғилган чақалоққа алла айтганлар. Алланинг оҳангидаги ритмнинг бир маромдалиги болага сокинлик бериб тинчлантирган ва шу орқали у ухлаб қолган. Лекин бугунги кунга келиб деярли ҳеч қайси она боласига алла айтмайди. Бола улғаяркан албатта уни бирорта мусиқа асбобини чалишга юналтириш лозим. Яхши мусиқа яхши дидни шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Шарипова. Г “Мусиқа ўқитиш методикаси” Тошкент 2000 й
2. Саламонова. “Ўзбек мусиқа тарихи” Тошкент .1981 й
3. Ал- Фаробий “Китобул мусиқа ал-кабир” 1967 й ПДФ
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий енциклопедияси 1, 8 том 2006 й





## FARZAND TARBIYASI VA RIVOJIDA MUSIQA SAN'ATINING TARBIYAVIY AHAMIYATI

*Shirinbekova Gulgunoy Shirinbekovna.*  
*Namangan viloyati Chortoq tumani*  
*29-sonli maktab musiqa fani o'qituvchisi*  
*Tel: +998 97 216 22 16*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada farzandni komil inson sifatida tarbiyalash hamda uni jamiyatga foydasi tegadigan shaxs qilib tarbiyalashda musiqiy tarbiyaning ahamiyati haqida yoritildi.

**Kalit so'zlar:** musiqa, estetika, tarbiya, besh tashabbus, komil inson, alloma "Tezkor musiqa", Amerika, festival.

Musiqiy tarbiya insonni go'zallikka yetaklovchi bir vosita bo'lib, u insonning estetik va emotsional xususiyatlarini shakllantiradi. Haqiqiy musiqa asarlari zamonning estetik-axloqiy va siyosiy g'oyalari umumlashtiradi.

Inson hayotini musiqasiz tasavvur qilib bo'lmaydi. San'at kishilarga faqatgina ma'naviy ozuqa beribgina qolmasdan, jismoniy kamolotga erishuvda ham muhim rol o'ynaydi. Musiqa san'atining axloqiy-estetik tarbiyadagi rolini to'g'ri his etib, uning yosh avlodni tarbiyalashdagi ahamiyatini aslo unutmash zarur. Musiqiy go'zallik insonning ma'naviy qiyofasi shakllanishida muhim omildir.

Musiqa san'ati hayotni bilish va odamlarni tarbiyalashning qudratli vositasidir. Ammo uning bilish va tarbiyalashdagi xizmat darajasi kishiga estetik, badiiy jihatdan ta'sir etish kuchiga bog'liqdir.

Bizga ma'lumki, komil farzand tarbiyalash azal-azaldan har bir ota –onaning eng buyuk maqsadi bo'lib kelgan. Farzandlarga yoshlik davrlaridanoq berilgan mukammal tarbiya uning kelajak hayoti poydevori hisoblanadi. Farzand tarbiyasida musiqiy tarbiyaning ahamiyati juda salmoqlidir. Bu haqida buyuk Sharq allomalari Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Alisher Navoiy bobolarimiz ham bir qator fikrlar bildirib o'tganlar. Xususan, Abu Ali ibn Sino bobomiz musiqaning tarbiyaviy ahamiyati haqida aytgan quyidagi so'zlari chuqur ma'noga ega: "Bolaning mijozini kuchaytirmoq uchun unga ikki narsani qo'llamoq kerak. Biri, bolani asta-sekin tebratish, ikkinchisi esa, uni uxlatish uchun aytish odat bo'lib qolgan musiqa va allalashdir. Shu ikkisini qabul qilish miqdoriga qarab bolaning tanasi bilan badantarbiyaga va ruhi bilan musiqaga bo'lgan iste'dodi hosil qilinadi".

Vatandoshimiz Abu Nasr Farobiyning bu xususidagi fikri ham e'tiborlidir: "Musiqa ilmi shu ma'noda foydaliki, u o'z muvozanatini yo'qotgan odamlar xulqini tartibga keltiradi, mukammallikka yetmagan xulqni mukammal qiladi va muvozanatda bo'lgan odamlar xulqining muvozanatini saqlab turadi. Bu ilm tananing salomatligi uchun ham foydalidir. Chunki tana kasal bo'lsa, ruh so'ladi, tana to'siqqa uchrasa, ruh ham to'siqqa uchraydi. Shuning uchun musiqaning ta'siri bilan ruhni sog'aytirish yordamida tana sog'aytiriladi.

Shu o'rinda musiqa orqali bolaning rivojlanishiga ta'sir etish to'g'risidagi jahon tajribalaridan birini keltirib o'tsam. Bizga ma'lumki Amerika rivojlangan davlatlar qatoriga kiradi. Amerikada bolaga til o'rgatishda antiqa usuldan foydalanar ekanlar. Bu usul "Tezkor musiqa" deb nomlanib, bu orqali bolaga til o'rgatilar ekan. Bunda bolaga o'rgatilishi kerak bo'lgan matn sho'x musiqa ostida o'qiladi. Musiqa shunchalik sho'xki, hatto uni eshitgan aksariyat kattalar ham raqsga tushib ketadilar. Matn so'zlari esa beixtiyor mazkur musiqa ostida oson yodda qoladi. Agar bolani yodlashga majbur qilinganida u buni qiyinchilik bilan bajargan bo'lar edi.

Bugungi kunda yurtimizda qabul qilinayotgan ko'plab qarorlar, farmonlar, o'tkazilayotgan xalqaro musiqiy festivallar orqali ham yoshlarni musiqiy hamohanglik tarzida tarbiyalashga katta e'tibor qaratilmoqda. Yurtboshimiz tomonidan "Yoshlarni ma'naviy yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish" bo'yicha ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbusning birinchi tashabbusida ham musiqiy tarbiyaning o'rnini bilgan holda yoshlarning musiqaga bo'lgan



qiziqishlarini oshirishga e'tibor qaratilmoqda. Shuningdek, yurtimizda o'tkazilayotgan xalqaro festivallar ham farzandlarimizda mehmondo'stlik va hurmat fazilatlarini tarbiyalamoqda.

Bola sog'lom va har tomonlama barkamol shakllanishi uchun unda o'qishga intilish hissini takomillashtirish bilan cheklanib bo'lmaydi. Ular ongida kasb-xunar va mehnat ko'nikmalarini hosil qilish, umummadaniy bilimlarni, milliy va umumbashariy qadriyatlarga asoslangan yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarini tarbiyalash bilan o'z vatani va xalqiga nisbatan sadoqatni shakllantirish, atrof-muhitga nisbatan ongli munosabatda bo'lish tuyg'usini, huquqiy ongini tarbiyalash lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Musiqa o'qitish metodikasi. Tohirjon Ortiqov. "Muharrir" nashriyoti. Toshkent 2010.
2. Maktabgacha ta'lim jurnali. 1-son 2017
3. Xalq ta'limi jurnali. 2-son 2019
4. Musiqa. 7-sinf uchun darslik O. Ibrohimov, J. Sadirov. "G'ofur G'ulom" nashriyoti. Toshkent 2017.
5. [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet.uz)

**TADQIQOT.UZ**  
**ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"**  
**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ**  
**ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(15-қисм)**

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович

**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович

**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2020

**Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000